

Ўзбекистон Давлат консерваторияси

“Шарқ мусиқаси” факультети

“Анъанавий хонандалик” таълим йўналиши

РЕФЕРАТ

Мавзу: Муҳаммадризо Огаҳий.

Бажарди: Зоҳидова Д

Текширди: Матёкубов Ш

Тошкент 2016

Муҳаммадризо Огаҳий (1809-1894)

Огаҳий (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли) (1809.17.12, Хива яқинидаги Қиёт қишлоғи — 1874.14.12) — шоир, тарихчи, таржимон. Мироб оиласида туғилган. Хива мадрасаларида таҳсил кўрган. Араб, форс, турк тилларини пухта эгаллаган. Хоразмнинг машҳур шоир ва олимлари, адабиёт мухлисларининг суҳбатларида иштирок этган. Шарқ классиклари асарлари, айниқса, Навоий ижодини кунт билан ўрганган. 1829 йилда амакиси ва устози Мунис вафот этгач, Хива хони Оллоқулихон (1825—42) Огаҳийни Муниснинг ўрнига мироб этиб тайинлаган. Шу даврдан эътиборан Огаҳий халқ ҳаёти ва сарой ишлари билан шуғулланган. Қизғин ижтимоий-сиёсий меҳнат билан машғул бир пайтда отдан йиқилиб, оёғи «шакарланг» (шол) бўлиб қолган (1845). 1857 йилдан мироблик вазифасидан истеъфо берган. Умрининг охиригача моддий муҳтож, ғамгин, касалманд аҳволда кун кечирган. Огаҳий халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур. Умрининг охирги йилларида тузган лирик куллийети — «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори», 1872) бизгача тўла етиб келган. Девон анъанавий тартибда тузилган, 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мурабба, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламма, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри тавил, 1 муножот, 1 ошиқ ва маъшук савол-жавоби, 20 таърих, 19 қасида — жами 18000 мисрадан иборат. Девонга «Ашъори форсий» номи билан Огаҳийнинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девондаги асарлар мазмун-мундарижаси марказида ишқ мавзуи туради. Огаҳий ижодининг мавзу доираси кенг. Аммо у қайси мавзуга мурожаат қилмасин, ишқни четлаб ўтолмайди. Ишқ унинг қаламида мавзуни ёритишда, ғояни илгари суришда асосий бадий восита; шеъриятида ишқ — иймон, эътиқод, ватан, заковат тимсоли каби лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, фаолияти, дунёқарашини ҳаракатлантирувчи куч. Огаҳий девонида замон ва замондошлари тасвири ҳам катта ўрин эгаллаган. Шоир ўзи яшаб ижод этган мураккаб даврни маҳорат билан бадий умумлаштирганда, замон ва унинг аҳлига муносабат билдирганда, бақо берганда, инсонпарварлик, халқпарварлик нуқтаи назаридан ёндашган. Огаҳий жанр имкониятларига ижодий ёндашиб, уларни

такомиллаштирган: ўзигача бўлган 7—8, 10—12 байтли гъазал
 ёзиш тартибини 23 байтгача етказган, мустазод жанрининг қўш
 орттирма мисрали янги шаклини кашф этган:
 Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул
 бир ошиқи хайрон,
 дийдорига шайдо,
 Бир шуйфтадур кокили мушкулинга сумбул
 ҳам ҳоли паришон,
 ҳам бошида савдо.
 Шоир арузнинг жуда кўп баҳрларидан фойдаланган. Унинг
 ғазаллари «Шашмақом»нинг ҳамма куйларига тушади, Хоразм халқ
 оҳангларига мос келади.
 Огаҳий «Риёз уд-давла» («Салтанат боғлари», 1844), «Зубдат ут-
 таворих» («Тарихлар қаймоғи», 1845—46), «Жомеъ ул-воқеоти
 султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи», 1857), «Гулшани
 давлат» («Давлат гулшани», 1865), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол
 гувоҳи», 1872) ва бошқа тарихий асарларида Оллоқулихон,
 Раҳимқулихон (1843—46), Муҳаммад Аминхон (1846 — 55), Сайид
 Муҳаммадхон (1856—64), Муҳаммад Раҳим ИИ (1864—1910)
 ҳукмронлиги даврида Хоразмда яшаган ўзбек, туркман,
 қорақалпоқ, қозоқ халқларининг тарихи, маданий ва ижтимоий
 ҳаёти, Хива хонлигининг бошқа хонликлар билан муносабати ва
 бошқа тарихий воқеалар акс этган.
 Огаҳийнинг юксак инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ғоялари
 хон ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбиясига таъсир
 қилган. У тарихчи олим сифатида Хива хонларига, йирик тарихий
 шахсларга бағишлаб қасидалар ёзган. Огаҳийнинг «Қасидаи
 насиҳат» асари Ферузга бағишланган. У ўз насиҳатларида
 салтанатни бошқаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатади, мамлакат
 ва халқни адолат билан идора этиш йўлларини белгилаб беради.
 Қасида маснавий жанрида ёзилган бўлиб, унда шоирнинг сиёсий-
 маърифий қарашлари ёрқин акс этган. Огаҳий фикрича, ҳар қандай
 давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун барча ижобий
 фазилатларга эга бўлиши лозим. Подшоҳ ҳимматли, шижоатли,
 адолатли, ғайратли, саховатли, ҳаёли, соф ниятли, маданиятли,
 ҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур. Ҳукмдор шу
 фазилатларга эга бўлса, унинг ҳокимияти камол топади, мамлакати
 фаровон бўлади, деган фикрни илгари суради. Огаҳий давлатни
 бошқаришнинг йўлларини ҳам кўрсатиб ўтган. Шоирнинг фикрича,

шоҳ шариат аҳкомларига қаттиқ амал қилмоғи лозим. У айш-ишратдан, фитна ва ғийбатдан, ғафлатдан, ялқовликдан, зулм-разолатдан, чақимчиликдан, молпарастликдан узоқ бўлиши керак. Феруз Огаҳийнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги маслаҳатларига қулоқ тутган, унинг ҳикматли байтларини мармар тошларга ёздириб, арзхоналарга қўйдирган, кўп эзгу ишларни амалга оширган. Шу боис ҳам Огаҳий тарихий асарлари бадиий наср сифатида ҳамда 19-аср Хоразм воқелигини ҳаққоний акс эттирувчи нодир тарихий ҳужжатлар сифатида қимматлидир. Огаҳий «Равзат ус-сафо» (Мирхонд), «Тарихи жаҳонкушойи Нодирий» (Муҳаммад Махдий Астрободий), «Бадозъ ул-вақозъ» (З. Восифий), «Мифтоҳ ут-толибин» (Маҳмуд бинни Шайх Али Ғиждувоний), «Табақоти Акбаршоҳий» (Муҳаммад Муқим Ҳиротий), «Тазкираи Муқимхоний» (Муҳаммад Юсуф Мунший), «Равзат ус-сафойи Носирий» (Ризоқулихон Ҳидоят), «Ахлоқи Муҳсиний» (Кошифий), «Қобуснома», «Зубдат ул-ҳикоёт», «Шарҳи далоил ул-хайрат» (Муҳаммад Ворис), «Гулистон» (Саъдий), «Юсуф ва Зулайҳо» (Жомий), «Шоҳ ва гадо» (Ҳилолий), «Ҳафт пайкар» (Низомий) ва бошқа тарихий-бадиий асарларни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. Огаҳий «Ҳафт пайкар»ни насрий йўл билан, «Гулистон»ни қисқартириб, кенг китобхонларга тушунарли қилиб таржима этган. «Юсуф ва Зулайҳо» ҳамда «Шоҳ ва гадо» дostonларини эса байтма-байт таржима қилиб (кириш қисмидан ташқари), аниқ ижодий таржима намунасини яратган. «Мифтоҳ ут-толибин» (инв. ?8473), «Равзат ус-сафойи Носирий» (Д-125), «Табақоти Акбаршоҳий» (ТНС—106), «Тазкираи Муқимхоний» (ТНС—105), «Фирдавс ул-иқбол» (С—571), «Шоҳиди иқбол» (С—572), «Юсуф ва Зулайҳо» (ТНС—117), «Таъвиз ул-ошиқин» асарларининг кўлёзма нусхалари Тошкент, Душанба ва Санкт-Петербургда сақланади. «Зафарнома» (Али Яздий), «Баҳористон», «Саломон ва Ибсол» (Жомий), «Ҳашт беҳишт» (Хусрав Дехлавий) асарларининг Огаҳий таржимаси ҳанузгача топилмаган.

«Таъвиз ул-ошиқин» Хивада тошбосмада нашр этилган (1905—09). Ўзбекистонда кўчалар, мактаблар, Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театри, истироҳат боғи ва бошқа муассасаларга Огаҳий номи берилган. Қиёт қишлоғида Огаҳий боғи ташкил этилиб, шоирнинг уй-музейи очилган; музей олдида Огаҳийга ҳайкал ўрнатилган.

Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий

XIX асрда Хива хонлиги тарихида ўчмас из қолдирган буюк инсонлардан бири – Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий эди.

1809 йилда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида таваллуд топган адиб: “Биз Хивада яшовчи юз тоифасидан бўлган Амир Эшимбийнинг авлодидандирмиз”, – деб ёзганди.

Эрнийезбек мироб 1812 йилда вафот қилгандан кейин Оллоқулихон Шермуҳаммад ибн Авазбей мироб ўғли Мунисни мамлакатнинг бош мироби қилиб тайинлайди. Мунис Огаҳийнинг амакиси бўлиб, отаси ўрнида Огаҳийга 1829 йилгача ғамхўрлик қилган. Унинг болалик ва ёшлик йиллари Қиёт қишлоғида ўтди ва улғайгач Хивадаги мадрасалардан бирида таҳсил кўрди. Араб, форс, туркий халқлар адабиёти, шунингдек классик мусиқа ҳамда тарих фанини кунт билан ўрганди. Шеърят оламида унинг таҳаллуси Огаҳий бўлиб, луғавий маъноси - огоҳман-сергакман демакдир. У моҳир хаттот бўлиб куфий, райҳоний, хатти шикаста каби хатларни яхши билган. Хива хони Оллоқулихоннинг Хуросонга қилган сафарида вабо касали тарқалиб (1829) амакиси Мунис вафот этди. Оллоқулихон Огаҳийни Мунисни ўрнига мироблик вазифасига тайинлайди.

Огаҳий жаҳон адабиёти, маданиятининг нодир дурдоналари саналган 20 дан ортиқ асарларни ўзбек тилига ўгириб таржимашунослик мактабини яратди.

Огаҳий ўз ҳаёти давомида Хива хонлари Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825), Оллоқулихон (1825-1843), Раҳимқулихон (1843-1845), Муҳаммад Аминхон (1845-1855), Абдуллахон (1855-1855), Қутлуғмуродхон (1855-1855), Сайид Муҳаммадхон (1855-1864), Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1874) даврларида яшаб ижод қилган. Огаҳийнинг ўзбек тилида ёзилган “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) девони мавжуд бўлиб, унда шоир яшаган муҳитнинг амалдорларидан қаттиқ шикоят қилиб ёзган шеърларини кўпроқ учратамиз. Огаҳий шеърлари орасида ҳукмдорларга айтилган қасидалар ҳам бор. Бу девондан ғазаллар, мустазод, мухаммас, мусаддаслар ўрин олган. Девонда 18 минг мисра шеър ва 83 мухаммас жам қилинган бўлиб, унинг кириш қисмида берилган

маълумотларга кўра, Огаҳий куйидаги тарихий китобларнинг муаллифи бўлган:

“Риёз уд-давлат” (“Давлат ишлари”, 1825-1842), “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”, 1846-1855), “Жомъе ул-воқеоти Султоний” (“Султонлар воқеалари тўплами”, 1856-1865), “Гулшани давлат” (“Давлат гулшани”, 1865-1872), “Шоҳиди иқбол” (1872).

Моҳир таржимон сифатида Мунис тугаллай олмай кетган Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарининг 2-3 жилдларини, Муҳаммад Маҳдихоннинг “Нодирнома” (5 жилд), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тазкираи Муқимхоний”, Низомиддин Аҳмад Ҳаравийнинг “Табоқати Акбаршоҳий”, Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Равзат ус-сафои Носирий” номли асарлари, Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар”, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, Ҳусрав Дехлавийнинг “Ҳафт Биҳишт”, Муҳаммад Вориснинг “Зубдат ул-ҳикоят”, Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, “Саломон ва Ибсол”, “Баҳористон”, “Ҳафт авранг” асарларлари, Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳу гадо”, Восифийнинг “Бадоеъ ул-воқеъ” китобларини, Кайковуснинг фалсафа ва ахлоқ масалаларига бағишланган “Қобуснома” асарини, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Имомиддин Фиждувонийнинг “Мифот ут толибин” китобларини форс тилидан ўзбекчага маҳорат билан таржима қилган. Қуйида биз уларни айримлари тўғрисида маълумот бериб ўтамиз.

“Гулистон” Муслиҳиддин Саъдийнинг 8 бобли асари, ушбу асарда умумбашарий орзулар, таълимий-тарбиявий ҳикоятлар баён қилинган, асар адиб томонидан 1862-1863 йилларда таржима қилинган.

“Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”) - буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий “Хамса”сининг тўртинчи достони бўлиб, дастонда мардлик, ростгўйлик, муҳаббат, халқ тақдири, умуман шахс ва жамият масалалари Баҳром Гўр тимсолида ўз аксини топади. Асар 1865 йилда насрда таржима қилинган.

“Ахлоқи Муҳсиний” XV асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган алломалардан бири, Алишер Навоийнинг дўсти Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифийнинг маърифий асари. Бу асарда таълим-тарбия, бола тарбиясида ота-она, муаллимнинг ўрни каби

масалалар кенг ёритилади. Асар 1873-1874 йилларда, яъни шоир умрининг охириги йилларида таржима қилинган.

“Юсуф ва Зулайҳо” - буюк форс-тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий “Хамса”сининг иккинчи достонидир. Бу достон инсонни куйлашга бағишланган гўзал бадий обидадир. Огаҳий бу асарни 1869 йилда таржима қилган.

“Шоҳ ва Гадо” - форс-тожик шоири, Алишер Навоийнинг замондоши Бадриддин Ҳилолий достони. Ушбу дастон форс-тожик адабиётида “Шоҳ ва Дарвеш” номи ила машҳур. Унда одил подшоҳ тимсоли, инсондаги самимий, чин севги туйғулари тараннум этилади. Огаҳий бу асарни 1870 йилда насрда таржима қилган.

“Зубдат ул – ҳикоят” (“Ҳикоялар сараси”) - Бобурийзода Аврангзеб ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда яшаган тарихчи олим Муҳаммад Вориснинг тарихий - бадий асари. Ахлоқий-таълимий ҳикоялар подшоҳ Аврангзеб фаолиятига боғлиқ ҳолда тасвирланади.

Кайковуснинг “Қобуснома” (1082 йилда ёзилган) асари шарқ халқлари орасида маълум ва машҳур асар бўлиб, бу асарни Огаҳий 1860 йилда таржима қилган. Асарда отани ўғилга ўғитлари, халқ мақоллари ва ҳикоятлари, асосан тарихий воқеалар ва тарихий шахслар тўғрисидаги ривоятларга аниқ ёндашиб, Ҳақ Таолонинг ягоналиги пайғамбарлар хилхатига тўғри ёндашишга ундайдиган бебаҳо асардир.

Огаҳий тарихга оид асарлар яратиб Муниснинг бу соҳадаги анъаналарини ҳам янада ривожлантирди ва юксакликка кўтарди. Мунис ва Огаҳий ҳамкорликда ёзган “Фирдавс-ул иқбол” асари ва ўзининг Хоразм тарихига оид бешта асари фақат ўзбек халқининг тарихини ўрганиш жиҳатдан аҳамиятли бўлиб қолмасдан, балки қардош тожик, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, рус, эрон, афғон халқларининг тарихи, маданияти, санъати, урф-одатлари, психологияси, шу халқларнинг келиб чиқиши, тирикчилигининг манбаи, қабилаларнинг тарихини ўрганишда бой манба бўлиб хизмат қилади. Шуниси характерлики, бу асарлар истеъдодли шоир, тараққийпарвар адиблар Мунис, Огаҳийлар томонидан ёзилганлиги сабабли уларда халқларнинг тарихи, ҳаёти, кундалик машғулоти, масжид, мадрасаларнинг қурилиши, турли ҳил ҳодисалар баёни, халқ кўзғолонлари, урушлар тарихи, буюк

кишилар, олимлар, шоир-ёзувчилар ва шу каби маълумотлар проза, поэзияда реалистик асосда, тўғри, аниқ ифодалаб берилган.

Огаҳий Оллоқулихонга бағишлаб “Риёз уд-давла” (“Давлат риёзатлари”, 1844) асарини ёзган. Бу асарда Огаҳий ўзи тўғрисида шундай ёзади. “Ёшлик чоғларимда, ҳар тарафдан бошимга бало тоши ёғди, ҳамиша кўнглимда тинчсизлик ва таъбимда хон ҳукми сураб эди. Лекин жаҳондан етган ҳар хил аламларни олимлар ва шоирларнинг суҳбатида бўлиш билан бир оз тарқатар эдим”.

“Зубдат ут-таворих” 1846 йилда ёзилган бўлиб, Раҳимқулихон даврига бағишланган.

“Жомеъ - ул воқеоти Султоний” 1856 йилда ёзилган бўлиб, Муҳаммад Аминхон даврига бағишланган.

“Гулшани давлат” 1865 йилда ёзилган бўлиб, Сайид Муҳаммадхон даврига бағишланган.

“Шоҳиди иқбол” (“Иқбол шоҳиди”) асар Муҳаммад Раҳимхон соний даврига бағишланган бўлиб, 1865-1873 йиллар воқеаларни ёзиш билан узилиб қолган, айрим саҳифаларида сув доғлари бор, Қўқон қоғозига, сарлавҳалари қизил сиёҳ билан ёзилган, қизил чарм муқовада, кўчирувчининг исми ва йили кўрсатилмаган, 227 варак, 14-25 см ўлчамда. Асарда фақат Хоразм тарихи эмас, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонларини Россия билан олиб борган урушлари, битимлари ва унинг оқибатлари мукаммал равишда ёритилган.

1845 йилда Огаҳий мироблик вазифаси билан сафарда юрганда отдан йиқилиб оёғи синади. Орадан кўп вақт ўтгач, у бутунлай юра олмай қолади. Узоқ вақт хасаталикни бошдан кечириши, ёлғизлик ва муҳтожликда яшаш шоирнинг ҳаётдан эрта кўз юмишига олиб келди. Огаҳий хонликда улкан ўзгаришлар бўлаётган бир вақтда, 1874 йилда 65 ёшида вафот этди.

Академик Ғ.Ғулом “Мамлакатимизнинг бошқа халқлари каби, ўзбек халқи ҳам ўзининг асрлар давомида яратилган бой, ўзига хос маданиятига эга. Бу ердан фан, адабиёт ва санъатнинг қатор улуғ арбоблари етишиб чиққанлар. Шунинг айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда ҳеч қандай асоссиз Лутфий, Отойи, Саккокий, Бобур, Машраб, Турди, Мунис, Огаҳий, Ферузларнинг ижоди ўрганилмаётир, биз фақат Навоий, Муқомий, Фурқат, Завқий, Аваз каби шоирлар ижодини ўрганиш билан чекланиб қолганмиз” –

деган эди. Шундан кейин “Огаҳийшунослик” фани вужудга келди, 1958 йилда Хивага Тошкентдан Субутой Долимов (1907-1991) келган, у зўрға Огаҳий ва Муниснинг қабрини топган. 1959 йилда Ғ.Ғулом, Иброҳим Мўминов, Қори Ниёзий, Зулфия, Уйғун, Айёмий, Субутой Долимов, Эгам Раҳим, Қувомиддин Муниров келган. Шундан кейин Огаҳий боғи, қабри тикланди ва унинг 150, 180, 190 йиллик тўйлари бўлиб ўтди, яқин кунларда шоирнинг 200 йиллик тўйи давлатимиз миқёсида кенг нишонланади.

Адиб қаламига мансуб 26 асардан ҳозирги кунда 4 таси топилганича йўқ, унинг асарларининг 22 тасидан 16 таси сақланган. Жумладан, 6 асари (11 нусхада) Беруний номидаги Республика Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Санкт Петербургда 10 та ва Душанба шаҳрида 8 та асари мавжуд.

Ҳозирги кунда адиб асарларининг 22 таси, 72 та қўлёзма нусхада дунё фондларида сақланмоқда. Унинг асарларини биринчи бўлиб Армени Вамбери Сайид Муҳаммадхон даврида Хивага келган вақтида олиб кетган, 1873 йилда А. Кун хон хазинасидан 300 та нодир китобларни олиб кетганда Мунис ва Огаҳийларни асарларини ҳам олиб кетган.

Ундан кейин В.В.Бартольд жуда кўп Марказий осийлик тарихчиларни асарлари билан бирга Мунис ва Огаҳий асарларини ҳам ўрганиб ўзининг “Туркистон суғорилиш тарихи” (С.П. 1914) ва “Туркман халқи тарихидан лавҳалар” (Л. 1929. китобларини ёзган. Ундан кейин П.П.Иванов ва А.К.Бороковлар ҳам ўзларининг “Ўрта Осиё халқлари тарихидан лавҳалар” (1958) ва “XIV - XIX асрларда туркманлар тарихи” деган асар ёзган.

М.Йўлдошев. 1956 йилда “Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши” асарини ёзган.

Я.Ғуломов 1976 йилда Огаҳий асарларига суяниб ўзининг “Хоразм суғорилиш тарихи” асарини ёзган.

Субутой Долимов 1962 йилда “Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва ижодининг маҳсулдорлиги ҳамда асарларининг бадиий гўзаллиги нуқтаи назаридан Огаҳий ўзбек адабиётининг буюк вакили Алишер Навоийдан кейинги энг забардаст вакили, деган илмий хулосага келди.

1970 йилда филология фанлари доктори Субутой (Усмонбек) Долимов ва профессор Ғулом Каримов ҳамкорликда Огаҳийнинг 6 жилдлик асарлар мажмуасини нашрга тайёрлашга киришиб, бу ишни 1980 йилда муваффақиятли тугатдилар. Мажмуанинг 1-2 жилдлари Огаҳийнинг лирик девони “Таъвиз ул ошиқин”ни, 3-4 жилдлари шоирнинг таржима асарларини, 5-6 жилдлари эса Огаҳийнинг тарихий асарларини ўз ичига олади. 1991 йилда Субутой Долимов Огаҳий томонидан таржима қилинган Кайковуснинг “Қобуснома” асарини табдил қилиб, нашрга тайёрлаган.

Адибнинг қабри ҳозирги кунда амакиси Шермуҳаммад Мунис қабри билан биргаликда Шайх Мавлон бобо қабристонида жойлашган бўлиб, ушбу жой Хива яқинидаги Эски Қиёт қишлоғида жойлашган.

Огаҳий ижодини халқимиз ўртасида кенг тарқалишида шоир ва драматург Комил Авазнинг хизматлари катта бўлиб, 1999 йилда шоирнинг 190 йиллик тўйи республикмизда кўтаринки руҳда нишонланди ва Огаҳийнинг ҳаёти, ижодига бағишланган кўплаб рисоалар нашр қилинди ҳамда ўзи туғилган қишлоқда “Огаҳий уй музейи” очилди. Яқин келажакда улуғ бобомизнинг 200 йиллик тўйлари дунё миқёсида нишонланади.

Диний, фалсафий ва умуминсоний ҳақиқатларни ифодалаган қуръоний мавзулар ва миллий мафкура рамзларибуюк алломалар, мутафаккирлар ижодидан муҳим ўрин олган бўлиб, бу соҳада, хусусан мумтоз адабиётимизнинг йирик намояндаларидан бири, Бобурнинг тили билан айтганда “кўп ва хўб ёзғон” ликда Навоийдан кейинги ўринда турадиган мутафаккир Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий мероси ҳам кенгқамровли ва ноёблиги билан қимматли ҳисобланади. Президентимиз И.А. Каримов Хиванинг 2500 йиллик тантаналаридаги табрик сўзида Хоразм заминида етишган ва авлодлар эҳтиромига сазовор бўлган буюк сиймо Огаҳий номини ҳам тилга олган эди. Албатта, бу бежиз эмас, зеро, МуҳаммадРизо Эрнийезбек ўғли Огаҳий забардаст шоир, моҳир таржимон, тарихчи, олим ва улкан давлат арбоби сифатида маълум ва машҳурдир.

Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий 1809 йилнинг 17-декабрида Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида маърифатли ва бадавлат мироб оиласида дунёга келади. Отадан эрта етим қолиб,

амакиси, замонанинг етук шоири, хоннинг бош мироби Мунис Авазбий ўғли Хоразмий кўлида тарбия топади.

1829 йилда Муниснинг 51ёшида вафот этиши, ёш шоир учун катта йўқотиш бўлди. Огаҳий 20 ёшида Хива хони Оллоқулихон томонидан мироблик вазифасига тайинланади. Сабру қаноати туфайли элда азиз, ишга фидоийлик, ватан равнақи учун жонини фидо этишга бел боғлаган Огаҳийнинг мироблик даври (1829-1857) Хоразмда кўпгина янги каналлар қазилиб, сув иншоотлари қурилгани, воҳанинг суғориш истиқболлари борасидаги муаммоларнинг оқилона ҳал бўлиши унинг номи билан боғлиқдир. Улуғ шоир отдан йиқилиб оёғи жиддий лат егач, миробликдан истеъфога чиққани ва назм, тарих битиш, таржимонлик билан машғул бўлади. У 1874 йилнинг декабр ойида олтмиш беш ёшида вафот этади ва ўзи туғилган Қиёт қишлоғидаги “Мавлон бобо” қабристонига, амакиси Мунис қабрига ёнма-ён дафн қилинади.

Огаҳийнинг умр йўли саккиз нафар хон ҳукмронлик қилган даврларда кечади. У 8 хил бошқарув муҳитида ҳам ўзи танлаган саодатли йўлдан оғишмай яшаган, ишлаган ва ижод қилган. У давр Хива хонлигини Муҳаммадраҳимхон I, Оллоқулихон, Раҳимқулихон, Муҳаммад Аминхон II, Сайидабдуллохон, Қутлуғмуродхон, Сайидмуҳаммадхон ва Муҳаммадраҳим- хон II Феруз идора қилган давр эди.

Огаҳий амакиси Мунис бошлаган “Фирдавс ул-иқбол” номли катта тарихий асарни давом эттириб, ўттиз ёшида уни 1825 йил Оллоқулихоннинг Хива тахтига ўтириш йили воқеалари баёни билан якунлайди. Муаррихнинг Оллоқулихон ҳукмронлик қилган давр (1825-1843) тўғрисидаги “Риёз уд-давлат”(1844 йилда ёзилган), Раҳимқулихон салтанати даври (1843-1846) га бағишланган “Зубдатут-таворих” (1846 йилда якунланган), Муҳаммадаминхон ҳукмронлиги даври (1846-1855) га бағиш-ланган “Жомеъул-воқеоти султоний”(1856 йил ёзилган), Сайид Муҳаммадхон ҳукмронлик даври (1856-1865) тўғрисидаги “Тулшани давлат” (1865 йил ёзилган), Муҳаммад Раҳимхон соний- Феруз салтанати воқеалари хусусида маълумот берувчи “Шоҳид ул-иқбол” (1873 йил воқеалари баёнида узилиб қолган) деб номланган асарларида Хоразмнинг 1813 йилдан то 1873 йилгача олтмиш йиллик тарихи, диний вазият, воҳада юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги, шаҳар қурилиши ва суғориш

ишлари, касбу ҳунар ва бошқа кўплаб воқеалар йилма-йил, ойма – ой изчиллик билан баён этилади. Огаҳий бу асарларида ўзи шахсан таниган ёки ҳар бири ҳақида ишончли маълумотлар тўплаган неча юзлаб тарихий шахслар ва воқеа –ҳодисалар ҳақида сўз очар экан, уларнинг ҳар бирига таърифлар беради, хулқ атвори, фазилатлари, нуқсонлари зикрида моҳирлик билан Қуръон оятлари ва ҳадислардан иқтибослар келтириб, уларнинг қиёфасини яққол гавдалантиради. Огаҳий ўз шеърларида киши руҳий бойликка маърифат орқали эришмоғи мумкинлиги ҳақида уқтириб, нодонлик-жоҳилликка қарши жамиятни илм-маърифатга чақиради:

Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамгаким,

Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго.

Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,

Ики олам обрўйи бўлғуси барбод анго.

Ушбу байтларда Огаҳий таълим-тарбияга жамият ҳаётидаги энг аҳамиятли масала тарзида қараб, инсон илм-маърифат билан азиз бўлиши ва мутолаа учун тинмай саъй-ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлайди.

Илм ва олимларнинг фазилатлари, икки дунёда эришадиган даража ва мартабаларига доир оят ва ҳадислардан истифода қилиб, машҳур кишиларни шундай таърифлаган. Жумладан: “Балдаи Урганждинким маскани маълуфидин келтуруб дор ус-салтанатайи Хевақ масжиди жомиъининг мударрислиғиға мансуб этиб амр қилди. То ул азиз ҳар кун каломи раббоний тиловатидин сўнг бу илми шариф қавоидининг таълимиға иштиғол кўргузиб, ҳусни адойи махориждин туллобни баҳраманд этгай, ва андоғким кудувватул афозил ва жомиъул фазойил, мақсадул курро, афзал ул урафо Шаҳобуддин ҳожи Муҳаммад қориким, илми тажвид ва қавоиди қироатда қойим мақоми имоми Осим ва нойибманоб ҳазрати Нофеъ роҳимаҳумаллоҳ эрди. Оз фурсатда ул илми шарифни ул зотни қошида ниҳоят камолға еткурди ва тамомат ҳуруфни ҳусни адо била ўз махорижидин чикорурда курройи сабъаға ангушти таҳайюр тишлатти...”

“Фирдавс ул-иқбол” асаридан келтирилган ушбу парчада зикри келган Шаҳобуддин Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Хевакий ўз замонасининг етук уламоларидан, қориларидан бўлган. Ибни Асир ўзининг “Комил фит тарих” асарида у кишининг Хивадаги 15 та

мадрасада талабаларга дарс берганини айтиб, қилган хизматлари ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Шаҳобуддин Хевакий ҳақида маълумотлар жудаям кам бўлиб, унинг шахсияти, мавқеи, хизматлари ва ижоди борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ва муҳим аҳамиятга эгадир. У кишининг қабри ҳозир Урганч туманидаги “Шаҳобуддин бобо” қабристонида жойлашган.

Аллоҳ таоло инсонни мукаррам қилиб яратгани ва бутун коинотни, еру осмонларни унга бўйсундириб қўйгани ҳақида кўплаб оятлар нозил қилган. Шунинг учун дунёдаги жамики нарсаси инсон эҳтиёжи учун хизмат қилади. Чунки, инсон махлуқотлар ичида энг азиз ва мукаррам зотдир. Огаҳий ўз ижодида бу мавзуга алоҳида эътибор билан қарайди:

Ўн ақл, тўққиз сипеҳру, саккиз жаннат,

Ғам етти мунир, ахтару ҳам олти жиҳат.

Ғам беш ҳису, тўрт унсуру уч мавлид,

Ғам икки жаҳон бир санга айлар хизмат.

Огаҳийнинг тарихий асарлари ўзбек тарихнавислик фани тараққиётига катта ҳисса қўшди. Улар Ўрта Осиё тарихининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, Хоразм тарихини, Хива тарихини тадқиқ этиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Муаррихнинг асарлари тарихни севишга, қадрлашга, эъзозлашга даъват этади. Чунки тарихсиз келажак йўқ!

Хоразм жаҳон маданияти ривожига, умуминсоний кадриятларнинг такомиллашувига салмоқли ҳисса қўшган мукаддас ўлкалардан биридир. Бу кўҳна заминда таваллуд топган ўнлаб буюк зотларнинг номи Машриқу Мағрибда катта эҳтиром билан тилга олинади.

Хоразмликлар кўкрак кериб фахрланса арзийдиган яна бир муҳим томони шуки ижодий меросининг ҳажми, адабиётимиз ва маданиятимиз олдида қилган хизматлари ва ниҳоят шахсий иқтидори, бадиий истеъдоди ва қудрати жиҳатидан адабиётимиз тарихида Алишер Навойдан кейин турадиган Огаҳийдек забардаст ижодкорнинг ҳудди шу заминда яшаб вояга етганлигидир. Олимлар Огаҳийни Огаҳий бўлиб етишишида унинг амакиси Муниснинг улкан хизматлари борлигини эътироф этадилар. Бу айни ҳақиқат. Аммо ҳеч ким унга буюк ижодкор бўлишлигида Қўнғиротлар

сулоласининг йирик вакили Оллоқулихондек «таворихвонлиғ ва шеършунослиғ ва латифағўйлпк ўқувчининг ҳайлида диққат тирноғин андоғ ишлатур эрдиким, фузалои замонға ҳайрат бармоғин тишлатур эрди» деб таърифланган зотнинг хизматлари кам ёдланади. Бу собиқ мустабид тузумнинг ўтмишда жасорат кўрсатган тарихий шахслар айниқса, ҳукмдорлар қиёфасининг золим ва бешафқат инсонлар сифатида талқин қилиниши натижаси эди.

Шўролар даврида Огаҳий камбағал оилада дунёга келган-у, ночорликда ҳаёт кечириб ўтган деган ҳақиқатдан узоқ бўлган сафсата тарқатилган эди. Аслида Эрнийезбек ўғли Муҳаммад Ризо Огаҳий қандай оилада дунёга келгану унинг аجدодлари ким эди? Огаҳийнинг ўзи «менинг ота-боболарим Хоразм султонларининг, амирларининг ва юз номли ўзбек тоифасига мироблик мансабига етишганлардандир» деб ёзади. Миллий даромаднинг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ташкил этадиган давлат тақдири сув билан боғлиқ бўлган Шарқ мамлакатларида бу лавозимнинг қанчалик юксак мавқега эгалигини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Унинг катта буваси Эшимбий (отасининг буваси) Хива хонларининг Шерғозихон (1714-1726й), Баҳодирхон (1726-1727) ва Элбарсхон (1727-1740)ларнинг вазири бўлган. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Хоразмга юриш қилганда Эшимбой босқинчиларга қаршилик кўрсатган саркардаларнинг бири бўлган.

Умуман, машҳур тарихчи Огаҳий қаламига мансуб кейинги «Риёз уд-давла», «Зубтат ут-таворих», «Жоме ул-воқеоти султоний» , «Гулшани давлат», «Шоҳид ул-иқбол» каби тарихий асарларида мироблар сулоласи вакилларининг хонликнинг ҳарбий юришларида бошқа давлатлар билан элчилик муносабатларида, янги сунъий суғориш иншоотларини барпо этишда, иморатлар қурилишида ва давлат бошқарув ишларида яқин маслаҳатчи ва ҳамроҳ сифатида фаол иштирок этганлигини ёритувчи мисолларни кўплаб учратишимиз мумкин.

XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё давлатларидаги тарихнавислик эски анъанага биноан форс тилида олиб борилган. Хива хонлигида эса ўзбек тарихнавислиги мактаби вужудга келиб, халқ тилида шундай ажойиб тарихий асарлар яратилдики, уларнинг ҳар бири нафақат Хива хонлиги, балки Туркистоннинг воқеаларга бой ўтмиш саҳифаларини ҳаққоний ёритишда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Мунис ва Огаҳий асарларини мустақилликкача ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланиб, бу асарларни араб имлосидаги эски ёзувларни мукамал эгаллаган санокли тадқиқотчиларгина ўқиш имкониятига эга эдилар.

Кейинги йилларда олимларимиз юқоридаги асарларни араб алифбосидан кирилл алифбосига ўгиришдек мураккаб вазифа устида тинимсиз меҳнат қилиб бунинг уддасидан чиқдилар. Огаҳийнинг «Зубдат ут-таворих», «Шоҳид ул-иқбол» асарлари филология фанлари доктори Нурбой Жабборов ва Н.Шодмоновлар томонидан нашрга тайёрланиб 2009 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп қилинди.

Шунингдек, Хоразм тарихининг қадимдан бошлаб, то 1825 йилгача содир бўлган воқеаларни ўз ичига олган «Фирдавс ул-иқбол» тарихий асари эса тарихчи олимлар Ш.Воҳидов, И.Бекчонов ва Н.Полвоновлар томонидан кирилл алифбосига ўгирилиб, «Янги аср авлоди» нашриётида «Тарихий мерос» рукни остида 2010 йилда чоп қилинди. Бу асарлар Хива хонлиги ўтмишини ўрганишда муҳим ишонарли ва бирламчи манба бўлиб, қизиқарли ва шиддатли воқеаларга бойлиги учун ҳам бебаҳодир.